ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВ ОДИЛБЕК ЮНУСОВИЧ

ЭГРИЛИГИ ЎЗГАРМАС КЎПХИЛЛИКЛАРДА СИНГУЛЯР РИМАН ҚАТЛАМАЛАР ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

УДК: 514.763.2

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Қосимов Одилбек Юнусович
Эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда сингуляр риман қатламалар геометрияси...3

Касимов Одилбек Юнусович
Геометрия сингулярных римановых слоений на многообразиях постоянной кривизны…………………………………...19

Qosimov Odilbek Yunusovich
Geometry of singular riemannian foliations on manifolds of constant curvature...35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works...38

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВ ОДИЛБЕК ЮНУСОВИЧ

ЭГРИЛИГИ ЎЗГАРМАС КЎПХИЛЛИКЛАРДА СИНГУЛЯР РИМАН ҚАТЛАМАЛАР ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/FM520 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Заитов Адилбек Атаханович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Шарипов Хуршид Фазлиддинович физика-математика фанлари фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Ташкент Давлат Транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "15" март соат 11°° даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил "1" март куни тарқатилди.
(2022 йил "1" март даги 1 рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Б.Бешимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раис муовини, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида фундаментал фанлар соҳасида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда замонавий геометриянинг муҳим объектларидан бири бўлган қатламалар геометриясини тадқиқ қилишга бағишланган. Қатламалар назариясининг муҳим бўлимларидан бири сингуляр риман қатламаларидир. Сингуляр риман қатламалари риман геометриясининг классик масалаларидан бири бўлган ҳаракатлар группаси таъсирини ўрганишда пайдо бўлади. Назарий физика ва механикада муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгармас эгриликка эга бўлган кўпхилликларда моддий нуқта ҳаракатини тавсифлаш учун Киллинг вектор майдонлар ишлатилади. Маълумки, Киллинг вектор майдонлар орбиталари ҳам риман қатламаларини ҳосил қилади. Шунинг учун ўзгармас эгриликка эга бўлган кўпхилликларда риман қатламаларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда жаҳонда риман геометрияси жадал ривожланмоқда. Риман геометриясининг янги ва муҳим бўлимларидан бири француз олимлари томонидан асос солинган қатламалар назариясидир. Риман қатламалари қатламалар назариясининг долзарб соҳаларидан бири бўлиб, кўпгина тадбиқларга эга. Шу жумладан, эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда Киллинг вектор майдонлар орбиталари ёрдамида ҳосил қилинган сингуляр қатламаларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Назарий физикада динамик системаларни тавсифлашда уларнинг ҳолат фазоси сифатида кўпхилликлардан ташқари орбифолдлар ҳам ишлатилмоқда. Кўпхилликларда ҳосил қилинган риман қатламалари назарий физика ва механика масалаларида кенг қўлланилмоқда. Сингуляр риман қатламалари геометрияси натижалари ва методларидан назарий физика ҳамда динамик системаларда фойдаланиш муҳим илмий йўналиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда математиканинг фундаментал ва амалий йўналишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қатламалар назарияси геометриянинг янги соҳалари сифатида замонавий математика бўйича тадқиқотларда муҳим воситадир. Шунинг учун дунёнинг кўплаб давлатларида геометриянинг қатламалар назарияси, шу жумладан, вектор майдонлар орбиталари ҳосил қиладиган сингуляр риман қатламалари геометрияси каби янги соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Математика фанларининг устувор йўналишлари ҳисобланган “Алгебра, динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология ва шу каби” ихтисосликлар бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш фундаментал тадқиқотларнинг асосий вазифаси сифатида қаралади[1]. Илмий натижалардан илм фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида қатламалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга молик масала ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатламалар назарияси йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида дифференциал топология ва дифференциал тенгламаларнинг туташ соҳасида юзага келди. Қатламалар назариясининг асослари A.Haefliger, G.Ehresman, G.Reeb, H.Rosenberg, G.Lamoureux, R.Langevin каби математикларнинг ишларида шаклланди. Қатламалар назариясига япон математиклари T.Inaba, I.Tamura, америка математиклари R.Herman, Ph.Tondeur, B.L.Reinhart, француз математиклари D.Gromoll, K.Grove, P.Molino, Россия математиклари П.С.Новиков, Н.И.Жуковалар муҳим ҳисса қўшдилар. Ҳозирги вақтда қатламалар назарияси жадал ривожланмоқда. Сингуляр риман қатламалари қатламаларнинг муҳим синфларидан биридир. Регуляр риман қатламалар фанга B.L.Reinhart томонидан 1959 йилда киритилди ва кўп математиклар, жумладан, R.Herman, P.Molino, Ph.Tondeurлар томонидан тадқиқ қилинди. Сингуляр риман қатламалари P.Molino томонидан “Riemanninan foliations. Birkhauser. – Boston-Basel, 1988” номли монографиясида киритилди ва J.Cheeger, Marco Radeschi, M.Marcos, Alexandrino, Ph.Tondeur, А.Я.Нарманов, Ж.О.Аслоновлар ишларида тадқиқ этилган.

Франциялик профессор P.Molino риман кўпхиллигида сингуляр риман қатламаси берилган бўлса, кўпхилликнинг риман метрикаси ҳар бир қатламнинг нормал қатламасида трансверсал риман метрика ҳосил қилишини кўрсатди. Кейинчалик профессор А.Я.Нарманов бу шартнинг тўлиқ риман кўпхиллигида берилган сингуляр қатламанинг риман қатлама бўлиши учун зарур ва етарли шарт эканлигини исботлади. Америкалик профессор Ph.Tondeur метрик функцияларнинг сатҳ сиртлари риман қатламаси ҳосил қилишини кўрсатди. D.Gromoll, K.Groveлар евклид фазосида берилган сингуляр риман қатламаси изопараметрик қатлама эканлигини кўрсатдилар. Сингуляр риман қатламалар табиий равишда риман геометриясининг асосий масалаларининг бири бўлган изометриялар группасининг таъсирини тадқиқ қилишда ҳосил бўлади. Кўпхилликда изометриялар группасининг орбиталари оиласи риман қатламасининг классик моделидир.

Риман қатламаларининг назарий физика ва нисбийлик назариясида муҳим тадбиқларга эга бўлган Киллинг вектор майдонлари орбиталари ва изометрик группа орбиталари оиласи сифатида ҳосил бўлиши унинг геометриясини тадқиқ қилишда сермаҳсул бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Я.Нарманов ва унинг шогирдлари А.С.Шарипов, Ж.О.Аслонов, Г.Х.Каипназаровалар тадқиқотларида метрик функциялар сатҳ сиртлари ва Киллинг вектор майдонлари орбиталари ҳосил қилган сингуляр риман қатламалар геометрияси тадқиқ қилинган. А.Я.Нарманов, Г.Х.Каипназаровалар ишларида евклид фазосида берилган метрик функция сатҳ сиртлари ҳосил қилган қатлама тўлиқ классификация қилинган, А.Я.Нарманов, Ж.О.Аслонов ишларида уч ўлчамли евклид фазосида Киллинг вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган сингуляр риман қатламанинг тўлиқ таснифи олинган. А.Я.Нарманов ва А.С.Шарипов ишларида қатламли кўпхиллик изометриялар группаси тадқиқ қилинган. Бироқ эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда сингуляр риман қатламалар геометрияси масаласи ҳанузгача атрофлича тадқиқ этилмаган. Бу бизнинг мавзумизнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг MRU-10/2017 “Геометрик ва аналитик методларни дифференциал ўйинлар ҳамда бошқарув назарияси масалаларида ривожлантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сингуляр риман қатламалар геометриясини ва Киллинг вектор майдонлар орбиталари тўплами структурасини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари :

Евклид фазосида коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларини таснифлаш;

компакт кўпхилликларда коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларини тўлиқ тадқиқ қилиш;

Евклид фазосида сингуляр риман қатламасининг сингуляр қатламлари бир-биридан ажралган бўлса, қатлама кесимга эга бўлишини исботлаш;

кесимга эга бўлган сингуляр риман қатламаси қатламлари тўплами структурасини тадқиқ қилиш ва унга орбифолд структурасини киритиш.

Тадқиқотнинг объектини сингуляр риман қатламалари, Киллинг вектор майдонлар орбиталари ва кесимга эга бўлган риман қатламалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда коўлчами кичик риман қатламалари геометрияси ва Киллинг вектор майдонлари орбиталари геометрияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқот ишида риман геометрияси, дифференциал топология ва қатламалар назарияси масалаларини ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Евклид фазосида коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларининг тўлиқ таснифи олинган;

компакт кўпхилликларда коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларининг тўлиқ тадқиқи амалга оширилган;

Евклид фазосида сингуляр риман қатламасининг сингуляр қатламлари бир-биридан ажралган бўлса, қатлама кесимга эга бўлиши исботланган;

сингуляр риман қатламасининг қатламлари тўпламида уни силлиқ орбифолдга айлантирувчи дифференциал структура мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар амалий аҳамиятга эга бўлган Киллинг вектор майдонлар геометриясини тадқиқ қилишда ишлатилган;

Риман геометриясининг турли масалаларини тадқиқ қилишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Риман геометрияси, дифференциал топология ва дифференциал геометрия усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, сингуляр риман қатламалар геометрияси бўйича тадқиқот натижалари Киллинг вектор майдонлар орбиталари тўплами орбифолд структурасига эга эканлигини исботлашда қўлланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сингуляр риман қатламалар геометрияси бўйича тадқиқот натижалари назарий физикада муҳим аҳамиятга эга бўлган Киллинг вектор майдонлар геометриясини тадқиқ қилишда ҳамда риман геометриясининг турли масалаларида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сингуляр риман қатламалари геометрияси бўйича олинган диссертация натижалари қуйидаги илмий тадқиқот лойиҳасида қўлланилган:

Евклид фазолари ва компакт кўпхилликларда аниқланган сингуляр риман қатламалар геометрияси Ф4-ОТ-0-79517 “Қатламали кўпхилликларнинг геометрияси ва топологияси” номли грант лойиҳада қатламали кўпхилликларнинг геометрик хоссалари ҳақидаги масала ечимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги № 89-06-201-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда аниқланган қатлама қатламининг секцион эгрилигини ҳисоблаш учун аниқ формулаларни топиш имконини берган;

Киллинг вектор майдонлари орбиталари ҳосил қилган сингуляр риман қатламалар геометриясидан Удмуртия давлат университетининг “№-20-01-00293 Бошқариш назарияси ва терминал моменти фиксирланмаган дифференциал ўйинлар назарияси масалаларидаги сифатли усуллар” номли тадқиқот лойиҳасида динамик системалар ва дифференциал ўйинларни бошқариш масалаларини ечишда фойдаланилган (Удмуртия давлат университети, Россия, маълумотнома № 7873-2899/30, 29 март 2021 йил). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бошқарув тизимларининг ва дифференциал ўйинларнинг эришувчанлик тўпламлари геометриясини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 90 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети илмий тадқиқотлари билин боғлиқлиги келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сингуляр қатламалар геометрияси”** номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат. Ушбу бобда диссертацияда ишлатиладиган асосий тушунча ва ёрдамчи фактлар келтирилган.

Берилган M кўпхилликнинг x нуқтаси орқали чексиз кўп силлиқ чизиқлар ўтади, бу чизиқларнинг x нуқтадаги уринма векторлари тўплами T_xM фазо n ўлчамли вектор фазо бўлади ва кўпхилликнинг x нуқтадаги уринма фазоси деб аталади.

Берилган M кўпхилликнинг барча x нуқтасида аниқланган уринма фазолар оиласининг бирлашмаси шу кўпхилликнинг уринма қатламаси деб аталади ва қуйидагича белгиланади

$$TM = \bigcup_{x \in M} T_x M.$$

Маълумки, уринма қатлама $2n$ ўлчамли силлиқ кўпхиллик бўлади.

Ҳар бир $x \in M$ учун $\pi(X, x) = x$ қоида билан аниқланувчи $\pi : TM \to M$ акслантириш проекция деб аталади, бу ерда $X \in T_x M$.

Таъриф 1.1.4. Берилган n ўлчамли силлиқ кўпхиллик M да $\pi \circ X(x) = x$ қоида билан аниқланувчи $X : M \to TM$ акслантириш кўпхиллик устида аниқланган вектор майдон дейилади.

Бизга M кўпхилликда аниқланган X силлиқ вектор майдон берилган бўлсин. Ҳар бир $t \in (a, b)$ учун $\dot{\varphi}(t) = X(\varphi(t))$, тенглик бажарилса, $\varphi : (a, b) \to M$ силлиқ эгри чизиқ берилган X вектор майдоннинг интеграл эгри чизиғи дейилади, бу ерда $\dot{\varphi}(t) -$ $\varphi : (a, b) \to M$ эгри чизиқнинг $\varphi(t)$ нуқтасига мос уринма вектори. Биз $X^t(x)$ орқали M кўпхилликда аниқланган X вектор майдоннинг $t = 0$ да $x \in M$ нуқта орқали ўтувчи интеграл чизиғини белгилаймиз.

Бизга M кўпхилликда аниқланган X ва Y силлиқ вектор майдонлар берилган бўлсин. Бу вектор майдонларга уларнинг Ли қавси деб аталувчи ва қўйидаги шартни қаноатлантирувчи:

$$[X, Y](f) = X(Y(f)) - Y(X(f)),$$

ягона $[X, Y]$ вектор майдон мос қўйилади, бу ерда $f : M \to R$ силлиқ функция.

Берилган M кўпхилликда аниқланган барча силлиқ вектор майдонлар тўплами $V(M)$ ҳақиқий сонлар майдони устида вектор майдонларнинг Ли қавсига нисбатан Ли алгебрасини ташкил қилади.

Таъриф 1.1.5. Агар M кўпхилликда аниқланган X вектор майдон оқими ҳосил қилган бир параметрли акслантиришлар группаси изометриялардан ташкил топган бўлса, X вектор майдон Киллинг вектор майдон дейилади.

Таъриф 1.1.7. Ҳар бир $x \in M$ нуқтага бирор $P(x) \subset T_x M$ қисм фазони мос қўйувчи P акслантириш текисликлар майдони дейилади. Агар ҳар қандай $x \in M$ нуқта учун $\dim P(x) = k$ тенглик бажарилса, у ҳолда P майдон k ўлчамли текисликлар майдони дейилади.

Таъриф 1.1.8. Агар ҳар бир $x \in M$ нуқта учун шундай $U(x)$ атроф ва бу атрофда силлиқ $X_1, X_2, ..., X_m$ вектор майдонлар топилиб барча $y \in U(x)$ нуқталар учун $P(y)$ қисм фазода $X_1(y), X_2(y), ..., X_m(y)$ векторлар базис ташкил қилса, у ҳолда P текисликлар майдони силлиқ дейилади.

Таъриф 1.1.9. Ҳар бир $x \in M$ нуқта учун шундай $N_x \subset M$ қисм кўпхиллик топилиб, барча $y \in N_x$ нуқталар учун $T_y N_x = P(y)$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда P текисликлар майдони тўла интегралланувчи дейилади. N_x қисм кўпхиллик P текисликлар майдонининг интеграл қисм кўпхиллиги дейилади.

Бизга D силлиқ вектор майдонлар оиласи берилган бўлса, у ҳолда табиий равишда текисликлар майдони ҳосил бўлади. Ҳақиқатан ҳам, агар D силлиқ вектор майдонлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда ҳар бир $x \in M$ нуқта учун $D(x) = \{X(x) : X \in D\}$ векторлар тўплами $T_x M$ уринма фазонинг бирор $P(x)$ қисм фазосини вужудга келтиради ва бу текисликлар майдонини P_D орқали белгилаймиз. Агар ҳар бир $x \in M$ нуқта учун $X(x) \in P(x)$ муносабат бажарилса, у ҳолда X вектор майдон P текисликлар майдонига тегишли дейилади.

Кўпхиллик устида берилган P текисликлар майдони учун $X, Y \in P$ муносабатдан $[X, Y] \in P$ муносабат келиб чиқса P инволютив дейилади.

Таъриф 1.1.10. Агар D вектор майдонлар оиласи ҳосил қилган P_D текисликлар майдони тўлиқ интегралланувчи бўлса, у ҳолда D вектор майдонлар оиласи тўлиқ интегралланувчи дейилади.

M кўпхиллик n ўлчамли силлиқ кўпхиллик, A атлас M кўпхилликда C^r синфга тегишли силлиқ кўпхиллик структурасини аниқловчи максимал атлас бўлсин, бу ерда $r \geq 0$. Агар $r \geq s \geq 0$ бўлса, M кўпхиллик C^s синфга тегишли кўпхиллик бўлади, бунда C^s синфга тегишли M кўпхилликда локал эгри чизиқли координаталар системасини A^s орқали белгилаймиз. k сон $0 < k < n$ тенгсизликни қаноатлантирувчи бутун сон бўлсин.

Таъриф 1.2.1. Агар M кўпхилликнинг чизиқли боғланишли қисм тўпламларидан тузилган $F = \{L_\alpha ; \alpha \in B\}$ оила, қуйидаги учта шартни қаноатлантирса, у k **ў**лчамли C^r қатлама дейилади:

(F_1) $\bigcup\limits_{\alpha \in B} L_\alpha = M$;

(F_{11}) барча $\alpha, \beta \in B$ учун, агар $\alpha \neq \beta,$ у холда $L_\alpha \cap L_\beta = \varnothing$;

(F_{111}) ихтиёрий $p \in M$ нуқта учун шундай $(U_\lambda, \varphi_\lambda) \in A^{(r)}$, $p \in U_\lambda$ локал координаталар системаси мавжудки, агар $U_\lambda \cap L_\alpha \neq \varnothing$ бўлса, у ҳолда $\varphi_\lambda(U_\lambda \cap L_\alpha)$ тўпламнинг чизиқли боғлиқлик компоненталари қуйидаги тенгламалар билан берилади:

$$\{(x_1, x_2, ... x_n) \in \varphi_\lambda(U_\lambda) : \ x_{k+1} = c_{k+1}, \ x_{k+2} = c_{k+2}, ..., x_n = c_n\},$$

бу ерда $c_{k+1}, c_{k+2}, ..., c_n$ сонлар чизиқли боғлиқлик компоненталарида ўзгармас сонлардир.

Таъриф 1.2.3. М кўпхилликнинг L қисм тўплами k ўлчамли қатлам дейилади, агар L устида шундай σ дифференциал структура мавжуд бўлиб, у қуйидаги шартларни қаноатлантирса:

1) (L,σ) силлиқ кўпхиллик M кўпхилликнинг $k-$ ўлчамли ботирилган боғланишли қисм кўпхиллиги бўлади;

2) N ихтиёрий локал боғланишли топологик фазо, $f(N)\subset L$ муносабатни қаноатлантирувчи $f:N\to M$ узлуксиз акслантириш бўлса, у ҳолда $f:N\to(L,\sigma)$ узлуксиз бўлади.

Таъриф 1.2.4. M кўпхилликнинг F қатламларга ажралиши (C^r синфга тегишли) силлиқ сингуляр қатлама (яьни махсусликка эга қатлама) дейилади, агар қуйидаги шартлар бажарилса:

1) ҳар бир $x\in M$ нуқта учун, шу x нуқтани ўз ичига олувчи шундай C^r синфга тегишли, $\psi(U)=V_1\times V_2$, тенгликни қаноатлантирувчи $(\psi,U)-$ карта мавжуд, бу ерда V_1 тўплам R^k фазо координата бошининг атрофи, V_2 тўплам эса R^{n-k} да координата бошининг атрофи, k эса x нуқтадан ўтувчи қатламнинг ўлчами;

2) $\psi(x)=(0,0)$;

3) $L\cap U\neq\varnothing$ муносабат ўринли бўлган ҳар бир L қатлам учун $L\cap U=\psi^{-1}(V_1\times l)$ тенглик ўринли, бу ерда $l=\left\{\, v\in V_2:\psi^{-1}\left(0,v\right)\in L\right\}$.

Таъриф 1.2.5. Агар F сингуляр қатламанинг бирор қатламига перпендикуляр ўтувчи ҳар қандай геодезик чизиқ F сингуляр қатламанинг бошқа қатламларига ҳам перпендикуляр бўлса, F қатлама риман қатламаси дейилади.

F қатлама риман кўпхиллигидаги сингуляр қатлама бўлсин. F қатламанинг p нуқтани ўз ичига олувчи L_p қатлам максимал ўлчамга эга бўлса, L қатлами регуляр қатлам дейилади. F қатламанинг L қатлами регуляр қатлам бўлмаса бу қатлам сингуляр қатлам дейилади. L регуляр қатламнинг нуқталари F қатламанинг регуляр нуқталар дейилади. F қатламанинг бирорта нуқтаси регуляр нуқта бўлмаса бу нуқта сингуляр нуқта дейилади.

Бу параграфда R^3 да $D=\{X,Y\}$ вектор майдонлар оиласи қаралган, бу ерда

$$X=\{-y;x;0\},\ \mathrm{Y}=\{0;z;y\}.$$

Бу оила учун қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 1.2.3. D вектор майдонлар оиласининг орбитаси сингуляр қатламани ҳосил қилади, сингуляр қатлами битта нуқтадан иборат, регуляр қатламлари эса учи чиқариб ташланган, яъни координаталар боши чиқариб ташланган конус ҳамда бир паллали ва икки паллали гиперболоидлар оиласидан иборат.

Таъриф 1.3.1. Агар ҳар бир T_xM уринма фазода $x\in M$ нуқтага силлиқ боғланган $<,>$ скаляр кўпайтма аниқланган бўлса, у ҳолда M силлиқ кўпхилликда риман структураси аниқланган дейилади.

Риман структураси аниқланган боғланишли силлиқ кўпхиллик M риман кўпхиллиги дейилади.

Қуйидаги акслантиришни қарайлик:

$$\nabla : V(M)\times V(M)\to V(M),\ (u,X)\to \nabla_u X$$

Таъриф 1.3.2. Юқоридаги акслантириш қуйидаги хоссаларга эга бўлса, бу акслантиришга боғланиш деб аталади:

а) $\nabla_{au+bv}X = a\nabla_u X + b\nabla_v X$,

б) $\nabla_u(aX+bY) = a\nabla_u X + b\nabla_u Y$,

с) $\nabla_u(f\,X) = (uf)X_x + f(x)\nabla_u X$.

Бу ерда $uf -\ f$ функциянинг u вектор йўналиши бўйича ҳосиласи. $\nabla_u X$ ифода X вектор майдоннинг u вектор йўналиши бўйича ковариант ҳосиласи дейилади.

Агар ∇ акслантириш (U,h) локал координаталарда қуйидаги

$$(\nabla_u X)_p = \left(u^i \frac{\partial \bar{X}^j}{\partial x^i}\frac{\partial}{\partial x^j}\right)_p = \left(\sum_{j=1}^{n}\left(\sum_{i=1}^{n} u^i \frac{\partial \bar{X}^j}{\partial x^i}\right)\frac{\partial}{\partial x^j}\right)_p$$

тенглик билан аниқланса, боғланишдан иборат бўлади, бу ерда $\bar{X}^j = X^j \circ h,\ X^j -\ X$ майдоннинг координат функциялари.

Таъриф 1.3.4. Кўпхилликдаги ихтиёрий X, Y, Z силлиқ вектор майдонлар учун

$$X\langle Y,Z\rangle = \langle \nabla_X Y, Z\rangle + \langle Y, \nabla_X Z\rangle$$

тенглик бажарилса, ∇ боғланиш Риман боғланиши ёки Леви-Чивита боғланиши дейилади.

Ҳар бир $p\in M$ нуқта ва ихтиёрий $u,v\in T_pM$ векторлар учун

$$R(u,v)w = \nabla_X\nabla_Y Z - \nabla_Y\nabla_X Z - \nabla_{[X,Y]}Z$$

қоида билан таъсир қилувчи $R(u,v): T_pM \to T_pM$ акслантириш эгрилик алмаштириши дейилади, бу ерда M кўпхилликда аниқланган $X,\ Y,\ Z$ вектор майдонлар $X_p = u,\ Y_p = v,\ Z_p = w$ шартни қаноатлантирувчи силлиқ вектор майдонлар.

Таъриф 1.3.5. Ушбу $k(u,v) := \langle R(u,v)v,u\rangle$ формула билан аниқланадиган $k: T_pM\times T_pM \to R$ функция риман эгрилиги дейилади.

Бизга чизиқли эркли $u,v\in T_pM$ векторлар орқали аниқланувчи $\sigma\subset T_pM$ текислик берилган бўлсин. Бу текисликка K_σ ҳақиқий сонни мос қўямиз:

$$K_\sigma = \frac{\langle R(u,v)v,u\rangle}{|u|^2|v|^2 - \langle u,v\rangle^2},$$

бунда $\langle u,v\rangle - g$ риман метрикаси ёрдамида аниқланган скаляр кўпайтма. K_σ катталик нуқтадаги берилган текисликка нисбатан секцион эгрилик ёки икки ўлчамли σ йўналишдаги эгрилик дейилади.

Таъриф 1.3.6. Агар риман кўпхиллигининг K_σ секцион эгрилиги ўзгармас, яьни у нуқтанинг танланишига ҳам, икки ўлчамли йўналиш σ нинг танланишига ҳам боғлиқ бўлмаса, риман кўпхиллиги ўзгармас эгриликка эга дейилади.

Таъриф 1.3.10. Бизга ∇ боғланишга эга силлиқ M кўпхиллик берилган бўлсин. $\gamma:[a,b]\to M$ чизиқ учун $\frac{D}{dt}\gamma^{'}(t)=0$ тенглик бажарилса, яьни γ чизиқнинг γ' тезлик вектор майдони γ бўйлаб параллел бўлса у геодезик чизиқ дейилади.

Хусусий ҳолда параллел вектор майдоннинг интеграл чизиғи геодезик чизиқдан иборат бўлади.

Уринма фазода берилган $u\in T_pM$ вектор йўналишидаги геодезик чизиқни $\gamma_u(t)$ билан белгилаймиз.

Таъриф 1.3.11. Уринма текисликда $\exp_p u=\gamma_u(1)$ қоида билан аниқланган $\exp_p:T_pM\to M$ акслантириш экспоненциал акслантириш дейилади.

Бу таъриф ихтиёрий боғланишли кўпхилликлар учун ҳам аниқланади. Риман кўпхиллиги бўлган ҳолда $\exp_p:T_pM\to M$ акслантириш акси, T_pM урунма фазода бошланғич p нуқтадан u йўналиш бўйича йўналган ҳар бир нур, p нуқтадан чиқувчи u йўналишдаги геодезик чизиқ узунлиги билан текис “устма-уст” тушади (геодезик чизиқ охиригача).

Диссертациянинг **“Сингуляр риман қатламалар геометрияси”** номли иккинчи боби учта параграфдан иборат. Диссертациянинг бу бобида евклид фозоси ҳамда компакт фазоларда сингуляр риман қатламалар геометрияси тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида евклид фазоларидаги коўлчами кичик сингуляр риман қатламалар классификацияси ҳосил қилинган.

Бу параграфнинг асосий натижаси евклид фазоларидаги коўлчами кичик сингуляр риман қатламалар геометрияси ҳақидаги теоремадан иборат.

Теорема 2.1.1. F қатлама R^n евклид фазосидаги сингуляр риман қатламаси бўлсин. Регуляр қатламнинг ўлчами $n-1$, сингуляр қатламлар тўплами SingF эса чекли сондаги қатламлардан ташкил топган бўлсин. У ҳолда F қатлама қуйидаги n та типдан бири бўлади:

1. F қатлама параллел гипертекисликлардан тузилган;

2. F қатлама концентрик сфералар оиласи ва нуқтадан (сфералар марказидан) иборат;

3. F қатлама $S^{n-k-1}\times R^k$ кўринишидаги концентрик цилиндрлар оиласи ва R^k кўринишидаги сингуляр қатламдан иборат, бу ерда $1\le k\le n-2$.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида компакт кўпхилликларда коўлчами кичик сингуляр риман қатламалар геометрияси тасниф қилинган.

Қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 2.2.1. F қатлама $M-$компакт боғланишли $n-$ўлчамли кўпхилликда аниқланган сингуляр риман қатламаси, регуляр қатламнинг ўлчами $n-1$ га тенг бўлсин. У ҳолда:

a) агар компакт бўлмаган регуляр қатлам мавжуд бўлса, у ҳолда F қатлама регуляр қатламадан иборат бўлади ҳамда барча қатламлар ҳамма жойда зич бўлади;

b) агар компакт бўлмаган регуляр қатлам мавжуд бўлмаса, у ҳолда $\mathrm{SingF} \neq \varnothing$ ва барча қатламлар компакт бўлади.

Натижа 2.2.1. F қатлама M компакт боғланишли кўпхилликдаги коўлчами бирга тенг сингуляр қатлама бўлсин. У ҳолда F қатламанинг барча қатламлари компакт бўлади ёки барча қатламлар ҳамма жойда зич бўлади.

Агар M кўпхиллик R^n фазога силлиқ жойлашган ва R^n фазода координаталар боши орқали чиқувчи l йўналтирувчи векторга эга $\xi_l(t)$ тўғри чизиқ берилган бўлсин, у ҳолда $x \in M$ нуқтадаги қиймати бу нуқтанинг $\xi_l(t)$ тўғри чизиққа ортогонал проекциясига тенг бўлган $h_l(x)$ функция баландлик функцияси дейилади.

Ушбу F қатлама икки ва уч ўлчамли сфералардаги сингуляр риман қатламаси бўлсин. Икки ва уч ўлчамли сфераларда қуйидаги теоремалар исботланган.

Теорема 2.2.2. F қатлама иккита сингуляр қатламга эга бўлиб, у баландлик функцияларининг сатх чизиқларидан иборат қатламлардан иборат.

Теорема 2.2.3. F қатлама қуйидаги типлардан бири бўлади:

1. F қатлама бир ўлчамли ва Хопф қатламасига ортогонал эквивалент.
2. F қатлама бир ўлчамли регуляр қатламларга эга ва сингуляр қатламлар тўплами ёпиқ геодезик чизиқ билан устма-уст тушади.
3. F қатламанинг регуляр қатламлари икки ўлчамли сфералар оиласидан иборат ва иккита сингуляр (нол ўлчамли қатлам) қатламга эга.
4. F қатлама икки ўлчамли регуляр қатламлардан тузилган (икки ўлчамли торлар) ва иккита сингуляр бир ўлчамли қатламга эга.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида вектор майдонлар оиласи ҳосил қилган сингуляр қатламалар геометрияси масалалари атрофлича ўрганилган.

Маълумки, M кўпхилликни D оиланинг орбиталарига бўлиниши сингуляр қатламани ҳосил қилади.

Евклид фазосида D вектор майдонлар оилаларининг орбитаси сингуляр қатлама ҳосил қилиши кўрсатилган, бу ерда

Евклид фазосида $D_1 = \{X, Y\}$, $D_2 = \{Y, Z\}$, $D_3 = \{X, Z\}$ вектор майдонлар оилаларининг орбитаси сингуляр қатлама ҳосил қилиши кўрсатилган, бу ерда

$$X = \{x, y, z\},\ Y = \{-y, x, 0\},\ \mathrm{Z}=\{\text{-y,x,1}\}.$$

Бу вектор майдонлар оилалари учун қуйидаги теоремалар исботланган.

Теорема 2.3.4. Уч ўлчамли R^3 фазода $D_1 = \{X, Y\}$ вектор майдонлар оиласи F сингуляр қатламани ҳосил қилади, унинг регуляр қатламлари учи ўзига тегишли бўлмаган доиравий конуснинг юқори ва пастки қисмлари ҳамда битта нуқтаси чиқариб ташланган икки ўлчамли текислик ташкил қилади. F қатламанинг сингуляр қатлами эса битта нуқта ва иккита нурлардан иборат.

Теорема 2.3.5. Уч ўлчамли R^3 фазода $D_2 = \{Y, Z\}$ вектор майдонлар оиласи F сингуляр қатламани ҳосил қилади, регуляр қатламалар концентрик цилиндрлар оиласидан иборат. F қатламанинг сингуляр қатлами эса битта тўғри чизиқдан иборат.

Теорема 2.3.6. Уч ўлчамли R^3 фазода $D_3 = \{X, Z\}$ вектор майдонлар оиласи F сингуляр қатламани ҳосил қилади, сингуляр қатлам битта тўғри чизиқдан иборат, яъни Oz ўқидан иборат, L регуляр қатлам эса уч ўлчамли кўпхилликдан иборат.

Диссертациянинг **“Киллинг вектор майдонлар орбиталари тўплами структураси”** номли учинчи боби иккита параграфдан иборат. Диссертациянинг бу бобида Киллинг вектор майдонлар оиласи орбиталари ҳосил қилган сингуляр қатламалардан ташкил топган фазолар структураси тадқиқ қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида кесимга эга бўлган сингуляр Риман қатламалар геометрияси тадқиқ қилинган.

Таъриф 3.1.1. $F-$ тўла риман кўпхиллигидаги сингуляр риман қатламаси бўлсин. Агар ихтиёрий регуляр p нуқтадан ўтувчи $\sigma := \exp_p(H_p L)$ тўплам ҳамма қатламларни ортогонал кесиб ўтувчи тўла ботирилган қисм кўпхилликдан иборат ва унинг регуляр нуқталари тўплами ҳамма жойда зич бўлса, F кесимга эга бўлган сингуляр риман қатламаси дейилади, σ тўплам кесим деб аталади.

Қуйидаги теоремада Киллинг вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган қатламанинг кесимга эга бўлишининг етарли шарти кўрсатилган.

Теорема 3.1.2. F қатлама R^n фазодаги Киллинг вектор майдонлар D оиласи ҳосил қилган сингуляр риман қатламаси бўлсин. Агар барча сингуляр қатламлар яккаланган ва регуляр қатламларнинг ўлчами $n-1$ га тенг бўлса, у ҳолда F кесимга эга бўлган риман қатламаси бўлади.

Қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 3.1.3. F қатлама R^n фазодаги D Киллинг вектор майдонлар оиласи ҳосил қилган сингуляр риман қатламаси бўлсин, бу ерда $n = 2,3.$ Агар регуляр қатламанинг ўлчами $n-1$ га тенг бўлса, у ҳолда F кесимга эга бўлган сингуляр риман қатламаси бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида Киллинг вектор майдонлар орбиталари кесимга эга бўлган сингуляр риман қатламасини вужудга келтирса, у ҳолда бу орбиталар тўплами силлиқ орбифолд бўлиши исботланган.

M орқали саноқли базага эга бўлган боғланишли Хаусдорф топологик фазосини белгилаймиз. M нинг очиқ қисм тўпламини U билан, R^n нинг очиқ қисм тўпламини V билан белгилаймиз ва $G-$ V даги C^r дифференциалланувчи чекли группа.

Орбифолддаги карта деб (U,V,G,φ) тўртликка айтилади, бу ерда $\varphi: V \to U$ акслантириш иккита акслантиришлар композициясидан иборат, яъни $\varphi := \tilde{\pi} \circ \pi$, $\pi: V \to V/G$ фактор акслантириш ва $\tilde{\pi}: V/G \to U$ ихтиёрий гомеоморфизм.

Берилган (U,V,G,φ) ва (U',V',G',φ') карталар учун $U \subset U'$ муносабат бажарилса, (η,ψ), жуфтлик инъекция дейилади, агар $\eta: V \to V'$ C^r- жойлаштириш, $\psi: G \to G'$ мономорфизм бўлиб, улар барча $\gamma \in G$ лар учун қуйидаги шартларни қаноатлантирса:

$$\varphi = \varphi' \circ \eta \text{ и } \eta \circ \gamma = \psi(\gamma) \circ \eta$$

Орбифолддаги $A = \{(U_\alpha, V_\alpha, G_\alpha, \varphi_\alpha), \alpha \in J\}$ карталар оиласи C^r синфга тегишли атлас дейилади, агарда бу атлас қуйидаги шартларни қаноатлантирса:

1) $\{U_\alpha, \alpha \in J\}$ карталар тўплами M кўпхилликни қопласа;

2) A атласга тегишла ихтиёрий иккита $(U_\alpha, V_\alpha, G_\alpha, \varphi_\alpha)$ ва $(U_\beta, V_\beta, G_\beta, \varphi_\beta)$ карталар учун $U_\alpha \subset U_\beta$ муносабат бажарилса, инъекция мавжуд бўлиши керак.

M орбифолддаги C^r синфга тегишли A максимал атлас C^r синфга тегишли дифференциал структура дейилади ва (M,A) жуфтлик дифференциалланувчи C^r орбифолд дейилади.

Сингуляр қатламалар учун қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 3.2.3. F қатлама R^n фазодаги D Киллинг вектор майдонлар оиласи ҳосил қилган сингуляр қатлама бўлсин. Агар F кесимга эга бўлган сингуляр риман қатламаси бўлса, у ҳолда F қатламанинг қатламлар тўплами (орбиталар тўплами) силлиқ орбифолд бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация эгрилиги ўзгармас кўпхилликларда сингуляр риман қатламалари геометриясини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Евклид фазосида коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларининг тўлиқ таснифи олинган.
2. Компакт кўпхилликда коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларининг тўлиқ таснифи ўрганилган.
3. Икки ва уч ўлчамли сферада коўлчами кичик бўлган сингуляр риман қатламаларининг тўлиқ таснифи олинган.

4. Евклид фазосида сингуляр риман қатламасининг сингуляр қатламлари бир-биридан ажралган бўлса, қатлама кесимга эга бўлиши исботланган.

5. Икки ва уч ўлчамли евклид фазоларида Киллинг вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган сингуляр риман қатламаси кичик коўлчамга эга бўлса, қатлама кесимга эга бўлиши далилланган.

6. Сингуляр риман қатламасининг қатламлари тўпламида уни силлиқ орбифолдга айлантирувчи дифференциал структура мавжудлиги исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КАСИМОВ ОДИЛБЕК ЮНУСОВИЧ

ГЕОМЕТРИЯ СИНГУЛЯРНЫХ РИМАНОВЫХ СЛОЕНИЙ НА МНОГООБРАЗИЯХ ПОСТОЯННОЙ КРИВИЗНЫ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО – МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТОШКЕНТ–2022 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/FM520.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени М. Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Заитов Адилбек Атаханович** доктор физико-математических наук, профессор
	Шарипов Хуршид Фазлиддинович доктор философии физико-математических наук (PhD)
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный транспортный университет**

Защита диссертации состоится «15» марта 2022 года в 11[00] часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №26). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «1» марта 2022 года.
(протокол рассылки №1 от «1» марта 2022 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.ф.-м.н.(PhD)

Р.Б.Бешимов
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научные и практические исследования, проводимые в области фундаментальных наук в мире, посвящены изучению геометрии слоений, которая является одним из важнейших объектов современной геометрии. Одним из важных разделов теории слоений является сингулярные римановы слоения. Сингулярные римановы слоения естественным образом возникают в одной из основных задач римановой геометрии при изучении действия группы изометрий. Векторные поля Киллинга используются для описания движения материальной точки в многообразиях, которые имеют постоянную кривизну, что важно в теоретической физике и механике. Известно, что орбиты векторных полей Киллинга также порождают римановы слоения. Поэтому, исследования римановых слоений в многообразиях с постоянной кривизной очень важны.

В настоящее время в мире интенсивно развивается риманова геометрия. Одним из новых и важных разделов римановой геометрии является теория слоений, основанная французскими учеными. Римановы слоения являются одной из основных областей теории слоений и имеют многие применения. В частности, важно изучить сингулярные слоения, сформулированные с использованием орбит векторных полей Киллинга в многообразиях постоянной кривизны. В теоретической физике при описании динамических систем, кроме многообразия, орбифолды также используются в качестве фазы их состояния. Римановы слоения, порождаемые в многообразиях, широко используются в вопросах теоретической физики и механики. Использование результатов и методов геометрии сингулярных римановых слоений в теоретической физике и динамических системах является актуальным научным направлением.

В нашей стране достаточно большое внимание уделяется развитию фундаментальных направлений математики. Теория слоений как новый раздел геометрии является важным инструментом в исследованиях в современной математике. Поэтому, широкое внимание уделяется развитию новых разделов геометрии, как теория слоений, в частности, изучению геометрии сингулярных слоений, порожденных орбитами векторных полей. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук на уровне международных стандартов по важным направлениям специальности «Алгебра, теория динамических систем, геометрия и топология и т.д.» рассматривается как важная задача фундаментальных исследований[1]. В целях использования научных результатов в

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

смежных областях науки, важной считается развитие теории слоений.

